

**ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.1.17.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

ШАКИРОВА ФАРОҒАТ БОЛТАЕВНА

**ИННОВАЦИОН РИВОЖЛАНИШ НЕГИЗИДА БАРҚАРОР
ИҚТИСОДИЙ ЎСИШ МЕХАНИЗМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

08.00.01 – Иқтисодиёт назарияси

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2018

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата
диссертации доктора философии (PhD) по экономическим наукам**

**Contents of Dissertation
Abstract of the Doctor of Philosophy (PhD) on Economics Sciences**

Шакирова Фароғат Болтаевна

Инновацион ривожланиш негизида барқарор иқтисодий ўсиш
механизмини такомиллаштириш..... 3

Шакирова Фароғат Болтаевна

Совершенствование механизма устойчивого экономического роста на
основе инновационного развития 22

Shakirova Farogat Boltayevna

Improvement of stable economic growth mechanism on the basis of
innovative development..... 41

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 45

**ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.I.17.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

ШАКИРОВА ФАРОҒАТ БОЛТАЕВНА

**ИННОВАЦИОН РИВОЖЛАНИШ НЕГИЗИДА БАРҚАРОР
ИҚТИСОДИЙ ЎСИШ МЕХАНИЗМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

08.00.01 – Иқтисодиёт назарияси

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2018

Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2018.2.PhD/Iqt612 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент давлат иқтисодиёт университетида бажарилган.

Диссертация автореферати икки тилда (ўзбек, рус,) Илмий кенгаш веб-саҳифаси (www.tfi.uz) ва «ZiyoNet» таълим ахборот тармоғида (www.zivonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар: **Хамираев Одил Хамизаевич**
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар: **Набиев Элшод Ганиевич**
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Расулов Тўлқин Сатторович
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот: **Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети**

Диссертация ҳимояси Тошкент молия институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.27.06.2017.I.17.01 рақамли илмий кенгашнинг 2018 йил «__»_____соат_____даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил:100000, Амир Темур шох кўчаси, 60А-уй, e-mail: info@tfi.uz.

Диссертация билан Тошкент молия институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (____рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100000, Амир Темур шох кўчаси, 60А-уй. Тел.: 0(371) 234-53-34.

Диссертация автореферати 2018 йил «__»_____куни тарқатилди.
(2018 йил «__»_____даги ____ - рақамли реестр баённомаси.)

Н.Х. Хайдаров
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, и.ф.д., профессор

С.У. Меҳмонов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш котиби, и.ф.н., профессор

А.Ж. Гуйчиев
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, и.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда анъанавий, чекланган, такрор ишлаб чиқарилмайдиган иқтисодий ресурслар ҳажми қисқариб бораётган шароитда иқтисодиётни инновацион омиллар асосида барқарор ўсишини таъминлаш муҳим аҳамият касб этади. Жаҳон иқтисодиётида барқарор иқтисодий ўсишни инновацион омиллар ҳисобига таъминлашда Швейцария, Швеция, Нидерландия, АҚШ, Буюк Британия, Дания, Сингапур, Финляндия, Германия ва Ирландия (глобал инновацион индекс бўйича етакчи)¹ каби мамлакатларда бой тажриба тўпланган. Дунё аҳолисининг ўсиб бориши экологияни ёмонлашуви, инвестицион фаолликнинг кучайиши, иқтисодий ўсиш сифатини яхшилаш, инсон капитали ва энгилфор, юқори технологияларга асосланган инновацион иқтисодиётга ўтишни тақозо этмоқда.

Мустақиллик йилларида олдинги тизимдан мерос бўлиб қолган, маънавий ва жисмоний эскирган асосий воситаларни юксак даражадаги замонавий техника ва юқори технологияларга алмаштириш, уларни ишлаб чиқаришга татбиқ этиш орқали инновацион иқтисодиётга ўтиш борасида катта саъй-ҳаракатлар қилинмоқда. “2017—2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси”нинг қабул қилиниши,² 2018 йилнинг юртимизда “Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб қувватлаш йили” деб эълон қилиниши ҳам мазкур йўналишда қўйилган муҳим қадамдир. Зеро, “Инновация – бу келажак дегани. Биз буюк келажакимизни барпо этишни бугундан бошлайдиган бўлсак, уни айнан инновацион ғоялар, инновацион ёндашув асосида бошлашимиз керак.”³ Дарҳақиқат, инновацион ривожланиш негизида барқарор иқтисодий ўсиш механизмини такомиллаштириш юзасидан чуқур илмий тадқиқотлар ўтказилиши лозим. Мамлакат товар экспорти таркибида юқори технологияли тайёр маҳсулотлар улушини ошириш, инновацияларни амалиётга қўллашни жадаллаштириш ва тижоратлаштириш шулар жумласидан.

Жаҳонда инновацион ривожланиш асосида барқарор иқтисодий ўсишни таъминлаш билан боғлиқ илмий изланишлар етакчи илмий марказлар ва олий таълим муассасаларида амалга оширилмоқда. Инновацион тизимнинг муҳим элементлари ҳисобланган таълим, билим ва кадрлар, бизнес ва тадбиркорлик фаолиятини такомиллаштириш, инновацион ғояларни, технологик ишланмаларни самарали тижоратлаштириш орқали иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини янада ошириш, иқтисодий ўсиш сифатини яхшилаш ва суръатини жадаллаштириш борасида илмий изланишлар эътиборга лойиқ.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги 4947-сонли Фармони ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 29 ноябрдаги “Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлигини ташкил этиш тўғрисида” ги ПФ-5264-сонли Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 22 январдаги “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг “Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили”да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида”ги ПФ-5308-сонли Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 майдаги “Иқтисодиёт тармоқлари ва соҳаларига инновацияларни жорий этиш механизмларини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-3698- сонли қарори, шунингдек, инновацион фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади ҳамда ушбу ҳолатлар унинг долзарблигини белгилаб беради.

Тадқиқот ишининг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Ушбу тадқиқот фан ва технологиялар тараққиётининг “Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ҳамда маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш” устувор йўналишига мувофиқ амалга оширилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Инновацион ривожланиш негизида барқарор иқтисодий ўсишни таъминлаш механизмини такомиллаштириш, унинг назарий ва амалий

¹ The Global Innovation Index 2017 “Effective Innovation Policies for Development”. Tech Connection 2017, Taylor Vinters Eden Hall September 22, 2017

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги 4947-сонли Фармони, lex.uz.

³ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. Тошкент: Ўзбекистон, НМИУ, 2018. б.20.

жихатлари хорижлик иқтисодчи олимлар А. Смит, С.Кузнец, Й.Шумпетер, П.Сорокин, Ф.Арора ва А.Гамбарелла, К. Макконел, С. Брю, П. Дракер, Б.Твисс⁴ ва бошқаларнинг илмий асарларида атрофлича таҳлил қилинган.

МДХ олимлари Н.Кондратьев, Ю.Яковец, Туган-Барановский, О.Белокрылова, С.Фатхутдинов, С.Глазьев⁵ ва бошқалар томонидан инновацияга асосланган иқтисодиётга ўтишнинг заруриги, моҳияти ва устувор йўналишлари тадқиқ этилган.

Миллий иқтисодиёт барқарор ривожланишини таъминлашда, жумладан, инновацион омилларнинг айрим назарий жихатларини ўзбекистонлик олимлар А.Вахабов, Ҳ.Абулқосимов, Г.Разиқова, Н.Махмудов, А.Файзиев, А.Қодиров, Д.Акабиров, А.Абдуганиев, А.Ўлмасов, Г.Саидова, Ш.Шодмонов, Б.Абдуллаев, А.Ёқубжонов, З.Гаибназарова, Ш.Синдаров, Б.Сафаров, У.Мадрахимов, О.Хамираев⁶ ва бошқалар илмий асарларида таснифланган.

Миллий иқтисодиёт барқарор ривожланиши ва ўсиш омилларини тизимли таҳлил этиш, инновацион омилларга асосланган иқтисодий ўсиш механизмини такомиллаштириш, муаммолари унинг таркибий сифатини яхшилашнинг концептуал асослари иқтисодий адабиётда чуқур ўрганилмаган. Миллий иқтисодиётни инновацион омиллар асосида модернизациялаш ва таркибий ўзгаришларни амалга ошириш ҳамда барқарор иқтисодий ўсишни таъминлашнинг концептуал асосларини таҳлил этиш илмий-амалий аҳамиятга эга бўлган масалалар. Мазкур муаммонинг долзарблиги, иқтисодий адабиётларда чуқур тадқиқ этилмаганлиги мавзунинг тадқиқоти объекти сифатида танланишига асос бўлди.

⁴ Смит А. Исследование о природе и причинах богатства народов. – М.: Соцэкгиз.1962. С.345; Simon Kuznetz, «Modern economic growth: Findings and reflections», Nobel lecture delivered in Stockholm, Sweden, December 1971 and published in the American Economic Review 63 (September 1973), Яковец Ю.В. «Эпохальные инновации 21 века».М.: Экономика. – 2004. – С. 12; Шумпетер Й.А. Теория экономического развития.М.: Прогресс, 1983.С..278-285.; Сорокин П.А. Социальная и культурная динамика. Пер.с англ.-М.: Астрель, 2006.-1176 с.; Innovation Policy and the Economy, Volume 5, National Bureau of Economic Research, Adam B. Jaffe, Josh Lerner, and Scott Stern: The MIT Press, Cambridge, Massachusetts – 2005 – 59 С.; Arora A. and Gambardella A: “Bridging the Gap”. In A. Aurora and A. Gambardella, eds., From Underdogs to Tigers: The Rise and Growth of the Software Industry in Some Emerging Economies. Oxford, UK: Oxford University Press. – 2005.; Макконел К.Р., Брю С.Л. Экономикс: Принципы, проблемы и политика: В 2.т.: Пер.с.англ. 13-го изд.: Учеб.-Т.1.-М.:ИНФРА-М, 2001.-974 с.; Дракер П.Ф. Инновации и предпринимательство. М.: 1992. 234 С.; Твисс Б. Управление научно-техническими нововведениями. Сокр. пер. с англ. – М.: Экономика. – 1989. 271 С.

⁵ Кондратьев Н.Д. Публикация в сборнике «Вопросы конъюнктуры». – М.:1925, т.1, вып.1, 28-79 С.; 1997.; Кузык Б.Н., Яковец Ю.В. Россия – 2050: стратегия инновационного прорыва. – М.: ЗАО Издательство экономика, 2004. – 632 С.; Теория инновационной экономики. Ростов н/Д: Феникс, 2009, 376 С.; Фатхутдинов Р.А. Инновационный менеджмент.-М.: Интел- Синтез, 2000.-615 С.; Глазьев С.Ю. Новый технологический уклад в современной мировой экономике. Статья// Международная экономика. 2010, №5 – С. 5-2.

⁶ Вахабов А.В. Модернизация экономики. Учебное пособие / –Т.: “IQTISOD-MOLIYA”, 2014.-С.200.; Абулқасимов Х.П., Расулов Т.С. Особенности научно-технической и инновационной политики стран СНГ, Ближнего и Среднего Востока. Учебное пособие.-Т.: ТашГИВ 2017.-С.15-17.; Махмудов Н.М., Акабиров Д.Н. Стратегия инновационного развития промышленности Республики Узбекистан в период модернизации экономики: Монография. -Т.: Иқтисодиёт, 2011.; Ўзбекистон: жаҳон молиявий-иқтисодий инкирози, инновацион тараққиёт ва миллий иқтисодиёт рақобатдошлигини ошириш / ЎзФА, А.Ф. Расулевнинг таҳрири остида.-Т.: KONSAUDITINFORM-NASHR, 2011.-408.; Қодиров А.М., Ахмедова А.Т. Алимова Н.Р. Стратегия инновационного развития и его влияние конкурентоспособность экономики Узбекистана.-Т.: Общественные науки Узбекистана. №1-2, 2010, С.-20.; Ёқубжонов А.Р. Совершенствование институциональной среды инвестиционно-инновационного развития экономики Узбекистана. И.ф.н.илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. Т.:2011, 28 б.; Гаибназарова З.Т. Инновацион инвестициялаштириш самарадорлигини оширишнинг назарий асослари. И.ф.н.илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати Т.: 2012, 25б.; Синдаров Ш.Э. Ўзбекистон Республикасининг тадбиркорлик фаолиятида инновацион жараёнлардан фойдаланишнинг иқтисодий механизми. и.ф.н.илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати Т.: 2010,28 б.; Сафаров Б.Ш. Миллий туристик хизматлар бозорини инновацион ривожлантиришнинг методологик-услугий асосларини такомиллаштириш. И.ф.д.илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати Т.: 2016, 78 б.; Мадрахимов У.А. Ўзбекистонда барқарор иқтисодий ўсиш сифатини ошириш йўллари. И.ф.д.илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати Т.: 2017, 71 б.; Хамираев О.Х. Иқтисодий мувозанатнинг назарий асослари ва уни таъминлаш механизмлари. И.ф.д. илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати –Т.: 2006., 32 б.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилаётган олий таълим ва илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Илмий иш Тошкент давлат иқтисодиёт университетининг илмий - тадқиқот ишлари режасига мувофиқ келади ва Ф-1-155. “Ишлаб чиқаришни модернизациялаш жараёнида харажатлар миқдорини камайтириш, таркибини такомиллаштиришнинг фундаментал (назарий) асосларини ишлаб чиқиш” лойиҳаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади инновацион ривожланиш негизида барқарор иқтисодий ўсишни таъминлаш механизмини такомиллаштириш юзасидан илмий таклиф ҳамда амалий тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари қуйидагилардан иборат:

инновацион ривожланиш асосида барқарор иқтисодий ўсишни таъминлаш тўғрисидаги назарияларни тизимли таҳлил этиш;

инновацион ривожланиш моделларини тадқиқ қилиш ва уларнинг иқтисодий ўсиш билан алоқадорлигини аниқлаш;

инновацион ривожланишга эришган етакчи хорижий давлатлар тажрибасини ўрганиш ва уларнинг ижобий тажрибаларини Ўзбекистонда қўллаш бўйича илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқиш;

барқарор иқтисодий ўсишга эришиш учун инновацион ривожланишга ўтишнинг зарурлигини асослаш ва моҳиятини ёритиш;

инновацион ривожланиш негизида барқарор иқтисодий ўсишни таъминлаш механизмининг амал қилишидаги муаммоларни аниқлаш ва уларни ҳал этишга қаратилган илмий таклифлар ишлаб чиқиш;

инновацион ривожланиш моделига ўтиш учун асос бўлиб хизмат қиладиган устувор йўналишларни аниқлаш;

инновацион ривожланиш асосида барқарор иқтисодий ўсишни таъминлаш механизмини такомиллаштиришга бағишланган илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти миллий иқтисодиётда инновацион фаолиятни ташкил этиш ва бошқариш жараёнидан иборат.

Тадқиқотнинг предмети инновацион ривожланиш жараёнида содир бўладиган иқтисодий муносабатлар мажмуидан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертация жараёнида гуруҳлаш, киёсий ва таркибий таҳлил, индукция ва дедукция, анализ ва синтез, монографик кузатув усулларида фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

барқарор иқтисодий ўсишни таъминлашда инновацион инфратузилманинг таркибий қисми ҳисобланган технопарклар ташкил этиш ва уларга ер солиғи, фойда солиғи, мол-мулк солиғини тўлаш бўйича имтиёзлар бериш зарурлиги асосланган;

республикаимиз ҳудудларида инновацион иқтисодиётнинг технологик укладини ташкил этувчи эркин иқтисодий зоналарнинг ҳуқуқий–ташқилий жиҳатларини такомиллаштириш ва улар сонини кўпайтириш негизида мамлакатга жалб этилаётган тўғридан–тўғри хорижий инвестицияларнинг ҳажминини кўпайтириш ва инновацион салоҳиятини оширишга қаратилган илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқилган;

инновацион маҳсулотлар яратиш, интеллектуал мулк объектлари бозорини шакллантириш ва уларни мустақил мониторинг тизим орқали тезкор равишда расмийлаштириш ҳамда ишлаб чиқаришга тадбиқ этишга оид илмий таклифлар ишлаб чиқилган;

инновацион ишланмаларнинг патентлаш тартибини соддалаштириш ва уларнинг интеллектуал мулк объектларини муҳофазалашни такомиллаштиришга бағишланган амалий тавсиялар ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари. Тадқиқот илмий янгиликлари асосида эришилган амалий натижалар қуйидагилардан иборат:

- республика минтақаларида ташкил этилган эркин иқтисодий зоналар иштирокчиларига берилган солиқ ва божхона имтиёзлари натижасида 2017 йилнинг 9 ойи мобайнида улар ихтиёрида 36,9 млрд сўм миқдорида маблағ қолдирилган;

- республикаимиз инновацион салоҳияти, яъни лойиҳа-конструкторлик, экспериментал ишлаб чиқариш, технопарклар, технополислар, бизнес инкубаторлар ва илмий-техник марказлар ташкил этиш ва уларга солиқ имтиёзлари бериш тўғрисидаги таклифлар “Яшнобод” технопарки фаолиятини ташкил этишда фойдаланилди;

- инновацион ишланмаларни патентлаш тартибини соддалаштириш, интеллектуал мулк

объектларини ҳимоялаш, руйхатга олиш, патентларнинг амалиётга самарали татбиқ этилиши устидан мустақил мониторинг тизимини ўрнатиш тўғрисидаги таклифлардан Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлиги тўғрисидаги Низомни ишлаб чиқишда фойдаланилган;

- инновацион фаолиятни ривожлантириш асосида барқарор иқтисодий ўсишни таъминлаш амалиётини такомиллаштиришга оид таклифлар иқтисодиётнинг янги тармоқларни инновацион ривожланишини аниқлашда қўлланилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончилиги ишда қўлланилган таҳлиллар ва усуллар, улар доирасида фойдаланилган назарий ёндашувлар расмий манбалардан олинганлиги, илмий хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётга жорий этилганлиги, тадқиқот жараёнида олинган натижаларнинг мутасадди ташкилотлар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти диссертацияда ишлаб чиқилган назарий асосларнинг давлат инновация сиёсатини амалга оширишни иқтисодий механизмини такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш бўйича илмий аппаратни бойитиши билан белгиланади. Тадқиқот натижаларидан инновацион жараёнларни рағбатлантириш тизимини такомиллаштиришнинг концептуал асослари ва моделларини ишлаб чиқишда фойдаланиш мумкин.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти давлат инновация сиёсати, мақсади ва дастурларини, инновацион фаолиятни рағбатлантиришнинг минтақавий дастурларини ишлаб чиқиш амалиётини такомиллаштириш ҳамда сифатини оширишда фойдаланиш мумкинлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижасида олинган илмий хулоса ва амалий тавсиялар инновацион ривожланиш негизида барқарор иқтисодий ўсиш механизмларини такомиллаштиришга хизмат қилиши билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Инновацион ривожланиш негизида барқарор иқтисодий ўсиш механизмини такомиллаштириш бўйича ишлаб чиқилган таклифлар асосида:

миллий инновация тизимида инновацион инфратузилманинг моддий, техник-технологик асосларидан бири ҳисобланган технопарklar ташкил этиш ва уларга солиқ ҳамда божхона имтиёзларини бериш таклифи “Тошкент шаҳрининг Яшнобод туманидаги инновация технопарки фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги лойиҳа ҳужжатларини тайёрлашда фойдаланилди. Натижада Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 5 июндаги “Тошкент шаҳрининг Яшнобод туманида инновация технопаркини ташкил қилиш тўғрисида”ги ПФ-5068-сонли Фармони 10-бандида ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Қарорида (ВМҚ №468, 05.07.2017й.) (№ ИШ-6-3/17 20.05.2017 й.) фойдаланилди. (Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлигининг 2017 йил 25 декабрдаги АД-3-1/9-9-293-сонли маълумотномаси). Ушбу Фармонга асосан, “Яшнобод” технопарки маъмурияти ва резидентлари амалга оширилаётган лойиҳалар доирасида бутун фаолият кўрсатиш даврида ер солиғи, ягона солиқ тўлови, юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ, ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи ягона солиқ тўловларидан озод этилган (Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг 2018 йил 3 мартдаги 16/1-05170-сонли маълумотномаси);

эркин иқтисодий зоналар – инновацион иқтисодиётнинг моддий, техник-технологик негизини яратувчи манбалар ҳисобланиши, уларни ташкил этишнинг ҳуқуқий-ташкилий масалаларини ҳал этиш ва сонини кўпайтириш чора-тадбирлари мажмуасини ишлаб чиқиш ҳамда уларга солиқ ва божхона имтиёзларини бериш лозимлиги ҳақидаги таклифлари Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 12-январдаги «Ургут», «Ғиждувон», «Кўқон» ва «Ҳазорасп» эркин иқтисодий зоналарини ташкил этиш тўғрисида”ги ПФ-4931-сонли Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 августдаги “Эркин иқтисодий зоналар ва кичик саноат зоналари фаолияти самарадорлигини ошириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-3175-сонли қарорининг айрим бандларида инобатга олинди ва амалиётга жорий қилинди (Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлигининг 2017 йил 25 декабрдаги АД-3-1/9-9-293-сонли маълумотномаси). Жумладан, эркин иқтисодий зоналарнинг иштирокчиларига берилган солиқ имтиёзлари натижасида 2017 йилнинг 9 ойи давомида улар ихтиёрида 36,9 млрд сўм миқдоридаги маблағ қолдирилган (Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг 2018 йил 3 мартдаги 16/1-05170-сонли маълумотномаси);

инновацион ишланмаларни патентлаш тартибини соддалаштириш ва интеллектуал мулк объектларини муҳофазалашнинг ҳуқуқий-институционал асосларини такомиллаштиришга оид илмий таклифлари “�збекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлиги тўғрисидаги Низом”нинг 2-боб 5-моддасини тайёрлашда қўлланилган (Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлигининг 2016 йил 9 декабрдаги 01/27-08-сонли маълумотномаси);

инновацион ишланмалар бўйича берилган патентларнинг ягона реестрини юритиш, уларнинг самарали ишлаши устидан мониторинг қилишни ваколатли давлат органи зиммасига юклатиш лозимлиги тўғрисидаги амалий тавсиялари “Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлиги тўғрисида”ги низомнинг 2-боб 6-моддасига киритилган (Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлигининг 2016 йил 9 декабрдаги 01/27-08-сонли маълумотномаси).

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 4 та халқаро ва 23 та республика илмий-амалий конференцияларида илмий маъруза кўринишида баён этилган ва маъқулланган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 41 та илмий ишлар жумладан, битта монография, ОАК эътироф этган журналларда 13 та, нуфузли хорижий журналларда 2 та илмий мақолалар, шунингдек, илмий-амалий конференцияларда 27 та маъруза тезислари нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация иши таркибан кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 126 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг ва мақсади, вазифалари, объекти ва предмети шакллантирилган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган. Тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, тадқиқот натижаларининг илмий-амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилишига оид маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Иқтисодий инновациялар асосида ривожлантиришнинг назарий жиҳатлари”** деб номланган биринчи бобида инновацион ривожланиш асосида иқтисодий ўсишни таъминлаш тўғрисидаги назарияларнинг қиёсий таҳлили, инновацион ривожланиш моделлари билан иқтисодий ўсишнинг алоқадорлиги ёритилган ва инновацион фаолият борасида ривожланган мамлакатлар тажрибаси тадқиқ этилган, шунингдек, инновацияларнинг мазмун-моҳияти, турлари, инновацияга бағишланган илмий концепцияларнинг ривожланиш босқичлари ўрганилган.

Классик иқтисодий назария асосчиларидан бири А. Смит янги технологияларга, яъни инновациялар ёрдамида самарали рақобат механизмига ўтиш иқтисодий ўсишни таъминлашда муҳим аҳамиятга эга эканлигини алоҳида таъкидлаган⁷. Агар бозор иқтисодиёти шароитида корхоналарнинг инвестицияларни жалб қилиб, уларни янги техника, технология яратишга йўналтириш, инновациялар асосида ўзининг бозордаги мавқеини мустаҳкамлаш орқали рақобатдош бўлишини, инновациялардан янги бозорлар очиш учун курашда амалий омил сифатида фойдаланаётганини ҳисобга олсак, унинг ушбу таълимоти ҳозирги кунда ҳам аҳамиятини йўқотмаган.

Инновацион иқтисодиёт 1920 йилларнинг охири 1930 йилларнинг бошларида иқтисодий фан сифатида шаклланди, иқтисодчи олим Н.Кондратьев техника соҳасида юз бераётган ўзгаришлар иқтисодий ривожланишга ижобий таъсир кўрсатади, деб таъкидлаган эди⁸. Иқтисодчи мамлакатда инновацион “масса”нинг тўпланиб қолган ва уни жорий этишнинг иқтисодий шарт-шароитлари вужудга келганини эътироф этган.

Иқтисодий фанда “инновация”нинг моҳиятини илк бор австриялик олим Й.Шумпетер куйидагича таърифлайди: “Инновация – мавжуд жараёнга янги қараш, ёндашув бўлиб, замонавий кашфиёт, ишланма ёки инсоният фаолияти билан боғлиқ бўлган янги ишлаб чиқаришни муайян жараёнга қўллаш”. Й. Шумпетернинг фикрича, иқтисодий фаолиятга айнан инновацион ёндашув ҳар бир давр иқтисодий тизимининг ривожланиш даражасини белгилаб беради. Унинг назариясида тадбиркорлик ишлаб чиқаришнинг тўртинчи омили сифатида қаралади. Шунингдек, тадбиркорларнинг вазифаси янги товарлар ёки эски товарлар янги услубда

⁷ Смит А. Исследование о природе и причинах богатства народов. - М.: Соцэкгиз.1962. с..345.

⁸ Кондратьев Н. Д. Большие циклы конъюнктуры // Вопросы конъюнктуры. 1925. № 1.

ишлаб чиқариш учун ихтиролардан фойдаланиб, янги хомашё ва материаллар манбалари ёки янги бозорлар очиб, ишлаб чиқаришни ислоҳ қилиш ва такомиллаштиришдан иборат. Олим инновациялар, тадбиркорлар туфайли иқтисодиётда инкилобий ўзгаришларни содир этишини башорат қилган⁹.

Америкалик иқтисодчи олим С.Кузнец 1980 йилларда “даврга оид инновациялар” тушунчасини иқтисодий фанга киритди, унинг таълимотига кўра, иқтисодиёт ривожланишининг муайян даврида барқарор иқтисодий ўсишни таъминлаш ва унинг даражасини ошириш асосини даврга оид инновацияларни жорий этиш ҳисобланади, унинг манбаи эса илм-фан эканлиги кўрсатган эди¹⁰. С.Кузнец фикрича, муайян даврга оид инновацияларнинг жорий этилиши ижобий самара бериши билан биргаликда унинг салбий таъсири бўлиши мумкинлигини ҳам таъкидлаб ўтади. Шу сабабли, ижтимоий-иқтисодий муносабатларда инновацияларни ривожлантириш ва унинг ишлаб чиқаришга жорий этилишида давлатнинг иштироки муҳим ҳисобланади. Илмий-техникавий инновацияларнинг иқтисодиётга мунтазам жорий этилиши барқарор иқтисодий ўсишнинг муҳим омили бўлиш билан бирга, жамиятда ишсизлик, танглик, янги авлод мутахассисларини шакллантириш каби муаммоларни келтириб чиқаради. Олим инновациялар назариясига оид Й. Шумпетер ғояларини янги ёндашувлар билан бойитди.

Иқтисодий адабиётларда инновацияларга берилган таърифларни қиёсий таҳлили 1-жадвалда келтирилган.

1-жадвал

Инновацияга оид таърифлар эволюцияси таҳлили¹¹

Муаллифлар	Тадқиқот объекти сифатида	Инновацияга таъриф	Изоҳ
Б.Брайан	Жараён	Интеллектуал товар – ихтиро, ахборот, ноу-хау ёки ғоя иқтисодий мазмунга эга бўладиган жараён.	Ушбу таърифга кўра, ижтимоий-иқтисодий самара бўлиши ва ғоя сотилиши лозим.
Б.Санто		Ижтимоий, техник, иқтисодий жараён. Хусусиятлари бўйича яхшироқ маҳсулотлар, технологиялар яратилишига олиб келадиган ғоялар, ихтиролардан амалий фойдаланиш, иқтисодий манфаат, фойда олишга қаратилган. Қўшимча даромад, фаолият турларининг барча спектри тадқиқот ва ишланмалардан маркетингга қамраб олади.	Ушбу таърифда маҳсулотнинг бозордаги ҳаракати тадқиқ этилмаган. Ишлаб чиқариш, кадрлар, транспорт воситалари ҳисобга олинмаган.
Н.Лапин	Тизим	Инновация кишиларнинг маълум эҳтиёжини яхшироқ кондириш учун янги амалий воситани яратиш, тарқатиш ва фойдаланиш жараёни деб таърифланади.	Ушбу ёндашувларда инновация аниқ моддий объект сифатида кўриб чиқилмаган, ташкилий бошқарув, ижтимоий ва бошқа инновациялар ўрганилмаган.
Ф.Валента	Ўзгариш	Инновацияга ишлаб чиқариш механизмининг бошланғич тузилмасидаги ўзгаришлар, жумладан, унинг ички тузилмасининг янги ҳолатга ўтиши: технологиялар, ишлаб чиқариш воситалари, ишчи кучи, ташкилотнинг касбий ва малакавий тузилмаси; ижобий ва салбий ижтимоий-иқтисодий оқибатларга эга ўзгаришлар сифатида қаралади.	Янги хомашё турлари, янги бозордан фойдаланиш имконияти ҳисобга олинмаган. Инновация маъносини йўқотувчи салбий оқибатлар юзага келиши мумкинлиги қайд этилган.
И.Волдачек		Корхона фаолиятини тизим сифатида мақсадли ўзгартириш (микдор, сифат ва фаолиятининг ҳар қандай соҳасида самара).	Янги хом ашёга, товар ва хизматлар, сотиш бозорларига киритилган ўзгартиришлар.
А.Левинсон	Натижа	Олдиндан амалга оширилган илмий, амалий, ташкилий иш натижаси.	Салбий оқибатлар эҳтимоли ҳисобга олинмаган.
Л.Гохберг		Инновация фаолиятининг бозорда жорий қилинган янги ёки такомиллашган маҳсулот кўринишида намоён бўлган якуний натижаси. Амалий фаолиятда қўлландиган янги ёки такомиллаштирилган технологик жараёнларга янгича ёндашув.	Ғоя пайдо бўлишдан амалиётга жорий этишгача бўлган жараённи босиб ўтиши лозим.

⁹ Шумпетер Й.А. Теория экономического развития. М.: Прогресс, 1983.с..278-285.

¹⁰ Кузнец С. Современный экономический рост: результаты исследований и размышлений. Нобелевская лекция стр 105.// Нобелевские лауреаты по экономике: взгляд из России. Под ред. Ю.В. Яковца. Спб.: Гуманистика, 2003.

¹¹Адабиётлар таҳлили асосида муаллиф ишланмаси.

Тадқиқот ишида “Инновация — инсоннинг ақл-заковати, ишлаб чиқариш тажрибаси негизда яратилган, ишлаб чиқаришга татбиқ этилган, айти вақтда, иқтисодий-ижтимоий самара келтираётган интеллектуал мулк кўринишидаги янгиликлар, ихтиролар, кашфиётлар, ғоялар ва янгича ёндашувлар мажмуасидир”, деган муаллифлик таърифи шакллантирилган. Агар инновацион ғоя яратилсада, ишлаб чиқаришга татбиқ этилмаса, ўзининг иқтисодий нафлигини исботламаса, инновация ҳисобланмайди. Яратилган инновациялар тижоратлаштирилиб, амалиётга татбиқ этилиб, иқтисодий-ижтимоий самара бергандагина уларни инновациялар деб, ҳисоблаш мумкин.

Ушбу таъриф мазмунига кўра, инновациялар ғоялар, ишланма, кашфиётлардан иборат бўлмай, балки инновациялар таркибига умум тараққиётга хизмат қилувчи ишлаб чиқаришни ташкил этиш, бошқариш ва мулк объектларини самарали амалга оширишга оид ташкилий-бошқарув тавсифдаги мутлақо янгича инновацион ёндашув ва тамойилларни ўзида мужассам этади.

“Инновациялар асосида барқарор иқтисодий ўсишни таъминлаш механизмининг амал қилиш ҳолати ва ривожланиш тенденциялари” деб номланган иккинчи бобда барқарор иқтисодий ўсишни таъминлаш механизмининг амал қилишидаги муаммолари ва уларни ҳал этиш йўллари, инновациялар орқали барқарор иқтисодий ўсишни таъминлаш механизмини такомиллаштириш масалалари таҳлил этилган.

Республикамизда иқтисодий ўсишнинг инновацион моделига ўтиш, миллий иқтисодиётни барқарор суръатларда ривожлантиришнинг барча омиллари, яъни замонавий ўқув ва илмий тадқиқот муассасалари, ташкилотлар, лойиҳа-конструкторлик бюrolари, юқори интеллектуал, арзон ишчи кучи, тегишли минерал хом ашё базалари мавжуд. Инновацион тизимнинг муҳим унсурларидан бири унинг ташкилий асослари бўлиб, Ўзбекистонда инсон капиталининг сифати даражаси юқори, жисмоний тайёргарлиги, тезкор малакавий ихтисослашув хусусиятига эга. Республикада фан ва таълимни ривожлантириш инфратузилмаси, замонавий кадрлар тайёрлаш, лойиҳа-конструкторлик меҳнатини ташкил этиш усуллари, шакллари, уларнинг хавфсизлигини таъминлаш масалалари ижобий ҳал этилган. Ушбу соҳада иккита долзарб масала мавжуд. Биринчиси, ишлаб чиқариш билан инновацион тизим ўртасида, яъни инновацияларни ишлаб чиқаришга татбиқ этишнинг самарали механизмининг мавжуд эмас. Иккинчиси Ўзбекистондаги арзон ва сифатли ишчи кучидан унумли фойдаланиш борасида муайян камчиликлар мавжуд.

Миллий инновацион тизим субъектларини давлат томонидан самарали рағбатлантириш тизимининг ишлаб чиқилмаганлиги, иқтисодий ўсишни таъминлашнинг давлат механизмининг деталлари ҳисобланган: солиққа тортиш, бож-тариф ва молия-кредитдан самарали, етарлича фойдаланмаслик долзарб илмий муаммолардан саналади.

Диссертация ишининг асосий масаласи барқарор, самарали иқтисодий ўсишга инновацион ривожланишнинг боғлиқлигини сифат ва миқдор жиҳатидан таҳлил этишдан иборат.

Иқтисодий ўсишнинг экстенсив ва интенсив турлари, уларнинг иқтисодий ўсишдаги улушлари тўғрисида қатор илмий тадқиқотлар олиб борилган бўлсада, мамлакатимизда айнан инновацион ривожланишнинг иқтисодий ўсишдаги улушини аниқлашнинг илмий-назарий жиҳатлари чуқур ўрганилмаган.

Маълумки, жорий молия йили ўтган молия йилида ишлаб чиқарилган ЯИМ ҳажмига кўшимча ишлаб чиқарилган товар ва хизматларнинг бозор баҳоси ЯИМ мутлақ ўсишидир. Ушбу ўсиш ЯИМнинг мутлақ кўпайишидир, бироқ у самарали иқтисодий ўсишни аниқлатмайди.

Нисбий иқтисодий ўсиш иқтисодий ўсиш барқарорлигини ифодалаб, у қандай фаолият ёки қандай ресурс харажати ҳисобига ЯИМнинг ўсишига эришилганлигини билдиради. Бу қандай ресурс харажатлари ҳисобига ЯИМнинг ўсишига эришилганлигини билдиради. Бундай ресурс харажатлари таркибига инновацион фаолият ва инновацион ресурслар сарфи ҳам киради.

Инновацион харажатлар самарадорлиги ва унинг, даражасини аниқлашда иқтисодий самарадорликни аниқлашнинг умум методологик, назарий асосларидан фойдаланамиз. Яъни инновацион фаолият “натига”сини ушбу фаолият учун қилинган “харажатлар”га нисбати орқали аниқланади.

ЯИМнинг кўпайган қисми (Δ ЯИМ) бу ҳисобот йилида ишлаб чиқарилган ($ЯИМ_2$) ЯИМ ҳажми билан базавий йилда ишлаб чиқарилган ($ЯИМ_1$) ЯИМ ҳажми ўртасидаги фарқ. Яъни:

$$\Delta ЯИМ = ЯИМ_2 - ЯИМ_1$$

ЯИМнинг мутлақ кўпайиши албатта ишлаб чиқаришга қилинган харажатларнинг ҳам кўпайиши, ортиши (ΔW) ҳисобига эришилади. Харажатларнинг ортиши (ΔW) жорий ҳисобот

йилида ЯИМ ишлаб чиқариш учун қилинган харажат ҳажми билан базавий йилда ЯИМ ишлаб чиқариш учун қилинган харажат ҳажми ўртасидаги фарк. Яъни:

$$\Delta W = \Delta W_2 - \Delta W_1$$

Шу нуқтаи назардан ёндашганда, инновацион фаолият самарадорлиги Δ ЯИМнинг инновацион харажатларга нисбатида, унинг даражаси эса фоиздаги ифодаси сифатида аниқланади. Яъни:

Инновацион иқтисодий ўсиш самарадорлиги

Δ ЯИМ
 Δ инновацион харажатлар

Ушбу формула инновацион фаолият учун қилинган харажатлар ҳисобига олинган ЯИМ ўсишини ифодалайди.

Агар шу нисбат аксинча нисбатда ифодаланса, инновацион иқтисодий ўсиш самарадорлигини аниқ баҳолайди. Яъни:

Инновацион иқтисодий ўсиш самарадорлигини баҳолаш

Δ инновацион харажатлар
 Δ ЯИМ

Ушбу баҳолаш инновацион харажат бирлигига олинган ЯИМ ўсимини ифодалайди.

Инновацион иқтисодий ўсиш самарадорлигини ошириш ялпи ички маҳсулотни мутлак ортишигагина боғлиқ бўлмай, инвестицияларни инновацион фаолиятни жонлантиришга йўналтирилиши асосида инновацион ривожланишга эришиш ва улар негизида барқарор иқтисодий ўсиш таъминланади.



1-расм. Инновацион ривожланишнинг барқарор иқтисодий ўсиш билан боғлиқлик даражаси¹²

1-расмдан кўринадики, инновациялар яратишнинг бошланғич ҳалқаси инвестицияларни, жумладан, хорижий инвестицияларни иқтисодиётнинг етакчи ва истиқболли тармоқ, соҳаларига жалб қилиш ҳисобланади. Жаҳон амалиёти кўрсатишича, пухта ўйланган инвестициялар сиёсати ва инвестицион фаолликсиз инновацион иқтисодиётга ўтиб бўлмайди. Инновацион ривожланишнинг барқарор иқтисодий ўсиш билан боғлиқлигининг мантикий формуласини

Инв. → Инн. → Иқ.ўсиш. кўринишида ифодалаш мумкин.

Бу ерда **Инв.**-инвестициялар, **Инн.**-инновациялар, **Иқ.ўсиш.**- иқтисодий ўсишни англатади.

Таҳлиллар кўрсатишича, илмий тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишланмаларни молиялаштиришга йўналтирилган маблағлар ҳажми 2016 йилда 2000-йилга нисбатан 3,8 баробарга, шу жумладан давлат бюджети маблағлари 55,6 баробарга, бюджетдан ташқари фондлар маблағлари 10,9 баробарга, ўз маблағлари 59,8 баробарга ошди (2-жадвал).

2-жадвал

Ўзбекистонда 2000-2016 йилларда ташкилотларнинг ўз кучи билан бажарилган илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишланмаларини молиялаштириш манбалари¹³

	2000 й.	2005 й.	2010 й.	2016 й.
Илмий тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишланмаларига сарфланган харажатлар, жами (млрд сўм)	11,2	36,4	116,1	428,5
Шу жумладан (%)				
Давлат бюджети маблағлари	39,3	44,8	60,7	57,7
Бюджетдан ташқари фондлар маблағлари	1,8	6,6	5,0	4,2
Ўз маблағлари	14,3	17,3	10,7	22,3
Буюртмачилар маблағлари	43,7	31,0	21,1	15,5
Хорижий манбалар маблағлари	0,4	0,5	2,5	0,8

2-жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, 2016 йилда илмий тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишланмаларига сарфланган харажатлар 2000 йилга нисбатан 38,2 мартага ошган бўлсада давлат бюджети томонидан ушбу мақсадда ажратилган маблағлар 16 йил давомида атиги 18,4 фоизга ошган, 2010 йилга нисбатан эса 3,0 фоизга камайган. Агар бу таҳлил давридаги инфляцияни эътиборга оладиган бўлсак, бу кўрсаткичларнинг янада кескин пасайиши ҳолати кўзга ташланади. Ишланмаларга сарфланган буюртмачиларнинг маблағлари 2016 йилда 2000 йилга нисбатан 32,2 фоизга камайган, хорижий инвесторлар маблағлари эса 2010 йилга нисбатан 1,7 фоизга камайган. Умуман, 2016 йилда инновацион ишланмаларни молиялаштиришга давлат миқёсида 428,48 млрд. сўм ёки тахминан 107,12 млн. АҚШ доллари сарфланган. Бу Ўзбекистон иқтисодий салоҳияти нуқтаи назаридан паст кўрсаткич ҳисобланади.

3-жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган инновацион товарлар, иш ва хизматларни ишлаб чиқаришга қилинган харажатлар 2016 йилда 2011 йилга нисбатан 6 баробарга ошган. Лекин, саноатда инновацион товар ва хизматларни ишлаб чиқариш 88,5 фоиздан (2011 йил) 67,0 фоизга (2016 йил), қишлоқ ва ўрмон хўжалигида 0,3 фоиздан 0,2 фоизга, хорижга сотилган инновацион товарлар, иш ва хизматлар ҳажми эса 22,2

¹² Муаллиф томонидан тузилган.

¹³ Ўзбекистон Республикаси давлат статистикаси қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланди.

фоиздан 13,3 фоизга ёки 2,5 баробарга камайган. Қурилиш тармоғида эса сезиларли ўзгариш деярли йўқ. Таҳлил материалларида яна бир салбий тенденция кўзга ташланади, яъни бу соҳалар кесимидаги нотекислик муаммоси. Демокчимизки, инновацион ишланмаларнинг деярли 90 фоизга яқини саноат тармоғининг ҳиссасига тўғри келмоқда. Миллий иқтисодиётимизнинг муҳим тармоқлари ҳисобланган қишлоқ хўжалиги, автомобилсозлик, ахборот-коммуникация соҳаларида инновацион товар ва хизматларнинг ишлаб чиқарилмаслиги ачинарли ҳолатдир.

3-жадвал

Ўзбекистонда 2011-2016 йилларда иқтисодиётнинг асосий тармоқларида яратилган инновацион маҳсулотлар, иш ва хизматлар таркиби¹⁴

Йиллар	Ишлаб чиқарилган инновацион товарлар, иш ва хизматлар, жами (млрд. сўм)	шу жумладан (%)				Хорижга сотилган инновацион товарлар, иш ва хизматлар (%)
		Саноат	Қишлоқ ва ўрмон хўжалиги	Қурилиш	Бошқа тармоқлар	
2011	1348,6	88,5	0,3	0,6	10,7	22,2
2012	3635,9	97,2	0,04	0,1	2,7	11,6
2013	4614,7	84,5	0,1	0,3	15,1	16,1
2014	7042,9	86,9	0,49	1,1	11,5	6,06
2016	8023,6	67,0	0,2	2,2	30,6	13,3

Мамлакатда яратилган инновацияларни билан ишлаб чиқаришга, амалиётга жорий қилиш, тижоратлаштириш ўртасида узилиш мавжуд. Бундай узилиш яратилган инновацион ғоялар, ишланмаларни ишлаб чиқаришга жорий этиш бўйича самарали механизм йўқлигидан далолат беради.

Инновацион иқтисодиётнинг ривожланиш тарихидан маълумки, миллий иқтисодиёт рақобатбардошлигини таъминлаш, уни инновацион ривожланиш моделига ўтказиш учун қуйидаги инновацион тизим асослари яратилган бўлиши талаб этилади (2-расм).

Инновацион иқтисодиётнинг тавсифий кўрсаткичлари ва унинг ҳуқуқий, ташкилий моддий асосларининг Ўзбекистон иқтисодиётига нисбатан таҳлили мамлакатда инновацион тизимни яратишда унинг моддий-техник асоси катта аҳамиятга эга бўлади.

Тадқиқот жараёнида технологик парк – муайян ҳудудда инновациялар яратиш, тижоратлаштириш мақсадида илмий тадқиқот ташкилотлари, олий ўқув юрти ва корхоналарнинг бирлашган мажмуаси эканлиги атрофлича ёритиб берилган. Бу мажмуанинг таркибий тузилиши – фанлар, олий ўқув муассасалари, ишлаб чиқариш ва капиталдан иборат бўлиб, улар ўзаро боғланган ягона организм бўлиб фаолият юритади. Технопарклар – энг замонавий, рақобатбардош маҳсулот турини ишлаб чиқишга ихтисослашган махсус ҳудуд, марказ, у ерда тор ихтисослашувга асосланган, юқори илмий-техник, технологияга эга ягона бизнес структурага кирувчи субъектлар фаолият кўрсатади. Бугунги кунда миллий иқтисодиётда инновациялар туғиладиган технопарклар илмий-техник марказлар, бизнес инкубаторларнинг тизимли равишда ташкил этилмаганлиги ҳозирги кунда ўз ечимини кутаётган долзарб масалалардан бири ҳисобланади.

¹⁴ Ўзбекистон Республикаси давлат статистикаси қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланди.



2-расм. Иновацион тизим асослари¹⁵

Мамлакатимиз саноатининг етакчи тармоқларига ишлаб чиқарилган халқаро бозорда рақобатдош бўлган тайёр маҳсулотларнинг йўқлиги, инновацияларни вужудга келтиришга ижобий таъсир қиладиган самарали тизимнинг ишлаб чиқилмаганлиги каби муаммолар миллий инновацион тизим ривожланишига салбий таъсир кўрсатмоқда. Буни ЯИМ таркибида ахборот-коммуникация технологиялари, ишлаб чиқарилган инновацион товарлар, иш ва хизматлар улушининг камлиги тасдиқлайди (4-жадвал).

4-жадвал

Ўзбекистон Республикасининг айрим макронқисодий кўрсаткичлари (фоизда)¹⁶

Кўрсаткичлар/йиллар	2012	2013	2014	2015	2016	2017
АКТ хизматларининг ЯИМдаги улуши	2	2	1,9	1,9	2,4	2,2
Ишлаб чиқарилган инновацион товарлар, иш ва хизматларнинг ЯИМдаги улуши	3,7	3,8	4,8	4,6	4,4	4,7
Ялпи жамғаришнинг ЯИМдаги улуши	31,1	30,3	20,1	28,1	27,4	29,0
Асосий капитални ялпи жамғаришнинг ЯИМдаги улуши	25,7	26,7	27,1	26,2	26,4	26,6
Қўшма корхоналар, хорижий фуқаро ва ташкилотлар мулкчилиги шаклининг ЯИМдаги улуши	13,7	13,4	12,1	13,3	12,9	-
ЯИМда экспортнинг улуши	26,3	24,9	21,5	18,8	18,1	29,4

Жадвалдан кўринадики, инновацион иқтисодиётга ўтишнинг муҳим мезонларидан бири ЯИМ таркибида ишлаб чиқарилган инновацион маҳсулотларнинг улуши ҳисобланади. 2017 йилда

¹⁵ Муаллиф томонидан ишланган.

¹⁶ Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилди.

ЯИМ таркибида ишлаб чиқарилган инновацион маҳсулотларнинг ҳиссаси 2012 йилга нисбатан атиги 1 фоизга, 2014 йилга нисбатан эса 1,1 фоизга камайган. Айтиш жоизки, инновацияларни ривожлантириш соҳасида катта ишлар қилинаётган бўлсада, инновацияларни тижоратлаштиришда оксоқликлар борлиги сабаб макроиктисодиёт даражасида амалий натижаларга эришиш қийин кечаётганлигини кўриш мумкин.

Ўзбекистонда инновацион иқтисодиётга ўтишга салбий таъсир кўрсатаётган омиллардан бири хориждан юқори технологияли патентлар, лицензияларнинг кам харид қилинаётгани ва улар асосида замонавий саноат ишлаб чиқаришининг ташкил этилмаганлигидир. Миллий иқтисодиётда замонавий техник-технологик укладнинг талаб даражасида шакллантирилмаганлиги эркин иқтисодий зоналарни ташкил этишда кузатилаётган камчиликлардан бири ҳисобланади. Бугунги кунда инновациялар туғиладиган технопарклар илмий-техник марказлар, бизнес инкубаторларнинг тизимли равишда миллий иқтисодиётда ташкил этилмаганлиги ҳам ҳозирги кунда ўз ечимини кутаётган долзарб масала ҳисобланади.

Мамлакатда олиб борилаётган солиқ сиёсати инновацион ривожланишга, жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиётига тўғридан-тўғри таъсир этадиган муҳим иқтисодий дастаклардан бири ҳисобланади. Миллий иқтисодиётда амал қилиб турган солиқ ставкалари, солиқ юки миллий товар ишлаб чиқарувчилар, тадбиркорлар ва чет эллик инвесторларнинг фаолиятига жиддий таъсир қиладиган дастак ҳисобланади. Агар иқтисодиётда солиқ ставкалари паст, солиқ юки босқичма-босқич пасайтириб борилаётган бўлса, бундай шароитда тадбиркорликка кенг йўл очилади, товар ва хизматлар ишлаб чиқарувчиларнинг моддий манфаатдорлиги ошади бу омиллар мамлакатда иқтисодий фаолликка, жадал суръатлар билан ривожланишга шарт-шароит яратади. Юртимизда олиб борилаётган оқилона макроиктисодий сиёсат ва унинг энг таъсирчан, муҳим йўналиши бўлган солиққа тортиш масалаларида ҳам устуворлик товар ва хизмат ишлаб чиқарувчилар, тадбиркорлик субъектлари манфаатига берилмоқда. Шу нуқтаи назардан, мамлакатни ижтимоий-иқтисодий, инновацион ривожланишини таъминлашда инновацион фаолият субъектларига берилаётган солиқ имтиёзлари ҳал қилувчи омиллардан бири эканлигини инобатга олиб, уларга қуйидаги йўналишларда солиқ имтиёзларини беришни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз:

– инновацион фаолият билан шуғулланаётган хўжалик юритувчи субъектларининг амалга ошираётган лойиҳаси қиймати, аҳамияти ва истиқболини ҳисобга олган ҳолда ер солиғи, мол-мулк солиғи ва фойдадан олинадиган солиқлардан қисман ёки тўлиқ озод қилиш долзарб масала ҳисобланади;

– инновацион фаолият олиб бораётган тижорат корхоналари ва бошқа хўжалик юритувчи субъектларнинг инновацион лойиҳани амалга ошириш учун сарфлаган инвестицияси ҳажмидан келиб чиқиб, ягона солиқ, ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш, Республика йўл фондига, Республика мактаб таълими фондига тўланадиган солиқдан қисман ёки тўлиқ озод этиш масаласини ҳал этиш;

– Ўзбекистон ҳудудида ташкил этилган эркин иқтисодий зоналарга тўғридан-тўғри киритилган инвестициялар миқдорига, ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳажмига нисбатан экспортнинг улушига қараб табақалашган солиққа тортиш тизимини кўллаш мақсадга мувофиқ бўлади.

Давлат томонидан илм-фанни ривожлантириш, таълим тизимини янада такомиллаштириш, лойиҳа-конструкторлик ишларини жонлантириш ва замонавий кадрлар тайёрлашга алоҳида эътибор берилмоқда. Мазкур йўналишларга бюджетдан тегишли миқдорда инвестициялар ажратилиб, барқарор молиялаштириш йўлга қўйилган. Жумладан, олий таълим муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлашга катта эътибор берилмоқда.

Республикада тарихан қисқа давр ичида инновацион ривожланишни таъминлашда катта ишлар амалга оширилганини эътироф этиш билан бир қаторда мамлакатимиз меҳнат ва минерал ресурслари салоҳиятининг юксаклигидан келиб чиқиб, ҳали ушбу соҳада катта маблағ талаб этиладиган ишлар борлиги кўзга ташланади.

“Инновациялар асосида барқарор иқтисодий ўсишни таъминлаш механизмининг такомиллаштириш” деб, номланган учинчи бобда инновацион ривожланиш негизида барқарор иқтисодий ўсишни таъминлаш механизмининг такомиллаштиришнинг асосий йўналишлари, миллий иқтисодиётни инновацион ривожланишга ўтказишнинг устувор вазифалари масалалри атрофича ёритилган.

Фикримизча, Ўзбекистонда иқтисодиётнинг инновацион моделига ўтишни электроэнергетика тизимидан, ундаги муаммоларни ҳал этишдан бошлаш мақсадга мувофиқ.

Узлуксиз электр энергияси таъминотисиз инвестицион лойиҳаларни саноат, кимё ишлаб чиқаришини самарали ташкил этиш мумкин эмас. Инновацион фаолият билан шуғулланадиган субъектларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш орқали мамлакатда инновацион фаолликка эришиш мумкин. Яратилган инновацион маҳсулотларни тижоратлаштириш, ишлаб чиқаришга жорий этиш механизмининг амал қилиши натижасида кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариш билан инновацион фаолият ўртасида ўзаро алоқадорлик ва ҳамкорликка асос солиш зарур. Маълумки, инновацион ривожланишга ўтишнинг муҳим омилларидан бири инвестициялар, жумладан хорижий инвестицияларни миллий иқтисодиётга жалб этиш ва улардан самарали фойдаланиш ҳисобланади. Иқтисодиётимизга киритилаётган хорижий инвестицияларнинг аксарият қисми йирик шаҳарлар ҳиссасига тўғри келади, бундай ҳолат, ўз навбатида, нотекис минтақавий ривожланишни келтириб чиқармоқда. Худудларга инвестициялар кам киритилишининг сабаблари, бир томондан, қишлоқда инфратузилманинг тегишли даражада яратилмаганлиги бўлса, бошқа томондан, электр таъминотидаги узилиш ёки чекловлар амалиётининг кенг тарқалганидир. Бизнингча, мазкур икки салбий ҳолат қишлоқ жойларда ёки чекка худудларга инвестицияларни киритишга, юқори технологияга асосланган замонавий ишлаб чиқаришни ташкил этишга жиддий тўсиқ бўлиб қолмоқда.

Узлуксиз электр таъминоти шароитидагина узлуксиз ишлаб чиқариш цикли, жараёнлари ҳақида сўз юритиш мумкин бўлади, шу сабабли Ўзбекистонда инновацион ишлаб чиқаришнинг базис шарт-шароитларидан бири бўлган узлуксиз электр таъминоти муаммосини ҳал этиш биринчи даражали масала деб ҳисоблаймиз. Бу масалани ҳал этишни эса электрэнергетика тизимидаги, электр таъминотидаги узилишларга оид муаммоларни бартараф этиш, энергияни тежайдиган юқори технологияларни тизимга жорий этиш, ишлаб чиқаришнинг энергия сифмкорлигини камайтирадиган юқори технологияларига ўтиш, энергетика тизимининг асосий фондларини янгилаш муаммоларини бартараф этишдан бошлаш лозим бўлади.

Республикада инновацион ривожланишни таъминлашнинг кейинги устувор йўналиши саноат тармоғини модернизация қилиш, техник-технологик янгилаш ҳисобланади. Чунки саноат ишлаб чиқариши инновацион ишлаб чиқаришнинг асоси ҳисобланади.

